

**ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.05.2018.ФМ/Т.34.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

АТАБОЕВ ОМОНБОЙ КУРБАНБОЕВИЧ

**A²B⁶ ЯРИМЎТКАЗГИЧЛИ БИРИКМАЛАР CdS_xTe_{1-x}-Zn_xCd_{1-x}Te
ҚАТТИҚ ҚОРИШМАЛАРИ АСОСИДАГИ ИНЖЕКЦИЯЛИ
ФОТОДИОДЛАР**

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертация автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по физико-математическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on physical-mathematical sciences**

Атабоев Омонбой Курбанбоевич

A^2B^6 яримўтказгичли бирикмалар $CdS_xTe_{1-x}-Zn_xCd_{1-x}Te$ қаттиқ қоришмалари асосидаги инжекцияли фотодиодлар 3

Атабоев Омонбой Курбанбоевич

Инжекционные фотодиоды на основе твердых растворов $CdS_xTe_{1-x}-Zn_xCd_{1-x}Te$ полупроводниковых соединений A^2B^6 25

Ataboev Omonboy Kurbanboevich

Injection photodiodes based on solid solutions of $CdS_xTe_{1-x}-Zn_xCd_{1-x}Te$ semiconductor compounds A^2B^6 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works. 51

**ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.05.2018.ФМ/Т.34.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

АТАБОЕВ ОМОНБОЙ КУРБАНБОЕВИЧ

**A²B⁶ ЯРИМУЎТКАЗГИЧЛИ БИРИКМАЛАР CdS_xTe_{1-x}-Zn_xCd_{1-x}Te
ҚАТТИҚ ҚОРИШМАЛАРИ АСОСИДАГИ ИНЖЕКЦИЯЛИ
ФОТОДИОДЛАР**

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/FM79 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Физика-техника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.fti.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мирсагатов Шавкат Акромович
физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Утамурадова Шарифа Бекмурадовна
физика-математика фанлари доктори, катта илмий ходим

Мавлонов Ғиёсиддин Ҳайдарович
физика-математика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент ахборот технологиялари университети

Диссертация ҳимояси Физика-техника институти ҳузуридаги DSc.30.05.2018.FM/T.34.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ кuni соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Чингиз Айтматов кўчаси, 2Б-уй. Тел./факс: (99871) 235-42-91; e-mail: ftikans@uzsci.net, Физика-техника институти мажлислар зали).

Диссертация билан Физика-техника институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (__ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Чингиз Айтматов кўчаси, 2Б-уй. Физика-техника институти. Тел./факс: (99871) 235-30-41.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ да тарқатилди.

(2018 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси.)

Н.Р. Авезова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси т.ф.д., катта илмий ходим

О.А. Абдулхаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф. бўйича фалсафа доктори

А. Абдурахманов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда жаҳон амалиётида жадал ривожланаётган яримўтказгичлар физикаси соҳасида A^2B^6 бирикмалари ва уларнинг қаттиқ қоришмалари асосида электромагнит нурланиш спектрининг кўзга кўринадиган ($\lambda=0.45\div 0.7$ мкм) соҳасида сезувчан, ички кучайтириш хусусиятига эга бўлган фотодиодларни яратиш, ҳамда улардаги ток ўтиш механизмлари ва фотосезгирликларини тадқиқ қилиш долзарб муаммолардан бири бўлиб келмоқда. Бу борада $Zn_xCd_{1-x}Te$ қаттиқ қоришмасининг таркибини танлаш ҳисобига фотодиод тузилмаларининг электромагнит нурланиш спектрининг зарур соҳасида юқори сезгирликга эришиш фототокнинг максимал қийматларини таъминлашнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда жаҳонда фотодиод тузилмаларини ишлаб чиқаришда тақиқланган соҳа кенглигини бошқариш мумкин бўлган A^2B^6 бирикмалари ва уларнинг қаттиқ қоришмаларини қўллаш ҳисобига фотосезгирлик диапазонини бошқариш, ҳамда бирламчи фототокни кучайтириш хусусиятига эга бўлган фотодиод тузилмаларини ишлаб чиқиш масалаларига катта аҳамият қаратилмоқда. Бу борада қуйидаги йўналишларда мақсадли илмий тадқиқотларни олиб бориш муҳим вазифалардан бўлиб ҳисобланади: инжекцияли фотодиодлар яратиш учун $Zn_xCd_{1-x}Te$ қаттиқ қоришмасининг йирик донаторликга эга бўлган поликристалл юпқа қатламларини олишнинг технологик режимларини оптималлаштириш; гетероўтишни ҳосил қилувчи қатламлар орасидаги номувофиқликни бартараф этиш имконини берувчи оралик қатламли $nCdS-pZn_{0.35}Cd_{0.65}Te$ тизимида гетероўтишни ҳосил қилиш; экспериментал тарзда олинган узун базали гетероўтишли тузилмаларнинг фотосезгирлиги ва ток ўтиш механизмларини аниқлаш; гетеротузилмани турли режимларда улашда спектрал характеристикаларининг шаклланиш қонуниятларини аниқлаш; $nCdS-pZn_{0.35}Cd_{0.65}Te$ -гетероўтишли тузилмаларда кечадиган физик жараёнларнинг база параметрлари ва ток характеристикаларининг ҳарорат режимлари билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаш.

Республикамизда истиқболли фундаментал ва амалий илмий тадқиқотларга етарлича аҳамият қаратилмоқда, хусусан, кенг спектрал диапазонга ва кичик қоронғулик тоқларига эга бўлган фотодиод тузилмаларининг янги авлодини яратиш, ҳамда A^2B^6 , A^3B^5 бирикмалари ва уларнинг қаттиқ қоришмалари асосида инжекцияли фотодиодларнинг янги тузилмаларини олиш технологияларини ривожлантириш бўйича кенг қўламли изланишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, «илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий-инновацион фаолият ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш»¹ масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда асосий эътибор турли мақсадларда қўлланишга мўлжал-

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

ланган импорт ўрнини босувчи яримўтказгич материаллар ва тузилмаларни ишлаб чиқишга қаратилган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу фаолият илмий тараққиётнинг замонавий талабларига жавоб бера оладиган илмий натижаларни олишга мўлжалланган ва фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш доирасида амалга оширилмоқда. Бу борада CdS ва унинг қатик қоришмалари, жумладан $Zn_{0.35}Cd_{0.65}Te$ асосида яратилган яримўтказгичли тузилмаларда содир бўладиган, уларнинг функционал характеристикаларини белгилаб берувчи фотоэлектрик жараёнларни тадқиқ қилиш зарурат ҳисобланади. Бу ўз навбатида улар асосида олинган фотосезгир тузилмаларнинг янги имкониятларини ва қўлланилиш соҳаларини очиқ беришга имкон беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 февралдаги ПҚ–2772-сон «2017–2021 йилларда электротехника саноатини бошқаришни янада такомиллаштириш, жадал ривожлантириш ва диверсификация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар Академияси фаолиятини, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ва 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3855-сон «Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши Ўзбекистон Республикасининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг III. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлиги, транспорт, машина ва асбобсозлик, замонавий электроника, микроэлектроника, фотоника ҳамда электрон асбобсозликни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Илк бор инъекцияли фотодиодлар таниқли рус физиклари В.И.Стафеев, И.М.Викулин, Ш.Д.Курмашев ва уларнинг шогирдлари томонидан яратилган. Улар тор ва кенг зонали ярим ўтказгичлар асосида $p-n$ -, p^+i-n^+ - ёки $p-i-n$ - тузилмалари, базаси катта қаршиликли ва қалинлиги номувозанат ток ташувчиларнинг диффузион узунлигидан анча катта бўлган фотодиодларни яратишди. Бундай фотодиодларни ишлаб чиқишда Ge, GaAs ва GaP каби яримўтказгичли материаллари ишлатилган ва улар азот ҳароратида самарали ишлаш хусусиятига эга.

Академик М.К.Баҳадирхановнинг ишларида марганец нанокластерига эга бўлган кремнийнинг фотосезгирлиги ўрганилган ва спектрнинг киришма атомлари соҳасида юқори фотосезгирлик кузатилган. Шунингдек академик А.Т.Мамадалимов ва унинг шогирдлари томонидан чуқур сатҳли Zn ва V киришмалари кремний асосидаги диод тузилмаларида спектрнинг $\lambda \leq 3.5$ мкм соҳасида сезгирлик тоқини бошқариш мумкинлиги кўрсатилган, S-қўринишдаги характеристикага эга бўлган, хона ҳароратида (300 K) ишлай оладиган

инжекцияли фотоқабуллагичлар яратилган. Профессор А.В.Каримов раҳбарлигида кремний ва галлий арсениди асосидаги инжекцияли фотодиодлар устида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Физика-техника институтида A^2B^6 яримўтказгич бирикмалари ва уларнинг қаттиқ қоришмалари асосида инжекцияли фотодиодларини яратиш ҳамда уларнинг физик хусусиятларини тадқиқ қилиш бўйича тадқиқотлар профессор Ш.А.Мирсагатов раҳбарлигида бошланган. Масалан, Ш.А.Мирсагатов ва Р.Р.Кобулов томонидан $nCdS-pCdTe$ гетеротузилмаси асосидаги инжекцияли фотодиодлар яратилган ва тадқиқ қилинган, Ш.А.Мирсагатов ва И.Б.Сапаев томонидан $n^+CdS-nCdS-pSi$ -гетеротузилмалари асосида инжекцияли фотодиодлар яратилган ва тадқиқ қилинган, Ш.А.Мирсагатов ва А.К.Утениязов томонидан $Al-Al_2O_3-pCdTe-MoO_3-Mo$ асосидаги инжекцияли фотодиодлари яратилган ва тадқиқ қилинган.

Бироқ ҳозирги кунда электромагнит нурланиш спектрининг кўзга кўринадиган соҳасида фотосезгирлиги бошқарилувчан $n-CdS-p-Zn_xCd_{1-x}Te$ тизимли гетеротузилмаларда ток ўтиш механизмлари ва фотосезгирлик етарлича ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Физика-техника институти амалий ва фундаментал илмий-тадқиқот ишлари режасининг АЗ-ФА-0-11242 рақамли «Саноатда металл қотишмалар таркибидаги элементларни тезкор аниқлаш учун кўчма спектроанализаторни ишлаб чиқиш» (2012-2016 й.), ФЗ-ФА-0-56434 рақамли «Кўёш элементлари ва яримўтказгич асбоблари учун нано уланишли тузилмалар ҳамда юпка пленкали тузилмаларнинг ҳосил бўлишининг физик қонуниятлари» (2012-2016 й.) илмий лойиҳалари ҳамда 2012 йил 4 майдаги 1/05-12 рақамли «Компьютер технологияларини қўллаган ҳолда металл қотишмаларнинг кимёвий таркибини аниқлаш учун тезкор спектроанализаторни ишлаб чиқиш» (2012-2015 й.) хўжалик шартномаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади электромагнит нурланиш спектрининг кўзга кўринадиган соҳасида фотосезгирлиги бошқарилувчан $CdS_xTe_{1-x}-Zn_xCd_{1-x}Te$ қаттиқ қоришмалар асосида яратилган гетеротузилмалардаги фотосезгирлик ва ток ўтиш механизмларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

инжекцияли фотодиодлар яратиш учун $Zn_xCd_{1-x}Te$ қаттиқ қоришмасининг йирик донадорликга эга бўлган поликристалл юпка қатламларини олишнинг технологик режимларини оптималлаштириш;

гетероўтишни ҳосил қилувчи қатламлар орасидаги номувофиқликни бартараф этиш имконини берувчи оралиқ қатламли $nCdS-pZn_{0.35}Cd_{0.65}Te$ тизимида гетероўтишни ҳосил қилиш;

экспериментал тарзда олинган узун базали гетероўтишли тузилмаларнинг фотосезгирлиги ва ток ўтиш механизмларини аниқлаш;

гетеротузилмани турли режимларда улашда спектрал характеристикаларининг шаклланиш қонуниятларини аниқлаш;

$n\text{CdS}-p\text{Zn}_{0.35}\text{Cd}_{0.65}\text{Te}$ -гетероўтишли тузилмаларда кечадиган физик жараёнларнинг база параметрлари ва ток характеристикаларининг ҳарорат режимлари билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти $n\text{CdS}-p\text{Zn}_{0.35}\text{Cd}_{0.65}\text{Te}$ гетероўтиши асосидаги инжекцияли фотодиодлардан иборат.

Тадқиқотнинг предмети $\text{In}-n^+-\text{CdS}-n-\text{CdS}_x\text{Te}_{1-x}-p-\text{Zn}_{0.35}\text{Cd}_{0.65}\text{Te}-\text{Mo}$ гетеротузилманинг фотосезгирлиги ва ток ўтиш механизмларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Қўйилган вазифаларни амалга оширишда сканерловчи электрон микроскопия, рентген нурларининг дифракцияси, энергия дисперсияли рентген спектрометрияси, спектрал фотосезгирлик, вольт-фарада характеристикалари, ҳамда яримўтказгичларда ток ўтиш механизмларини таҳлил қилишнинг замонавий тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

$\text{Zn}_x\text{Cd}_{1-x}\text{Te}$ қаттиқ қоришмаси юзасига вакуумда 250°C таглик ҳароратида кадмий сульфиди ўстирилиб, гетероўтиш чегарасида $\text{CdS}_x\text{Te}_{1-x}$ ва $\text{Zn}_x\text{Cd}_{1-x}\text{Te}_y\text{S}_{1-y}$ қатламлари шаклланиши ҳисобига кристалл панжаралари параметрларининг номувофиқлигини бартараф этиш имконини берувчи $n\text{CdS}-p\text{Zn}_{0.35}\text{Cd}_{0.65}\text{Te}$ -гетероўтишини ҳосил қилишнинг технологик режими оптималлаштирилган ва улар асосида, электромагнит нурланиш спектрининг кўриш соҳасида юқори фотосезгирликка эга бўлган фотодиод тузилмалари олинган;

сирт ҳолатлари зичлигининг кичиклиги ($\sim 3.5 \cdot 10^{10} \text{ эВ}^{-1} \cdot \text{см}^{-2}$) ҳисобига $n\text{CdS}-p\text{Zn}_{0.35}\text{Cd}_{0.65}\text{Te}$ -гетероўтишли тузилманинг фотосезгирлигини сусайтирмасдан 0.49 дан 0.735 мкм гача бўлган спектрал диапазонда оптик сигналларни қайд қилиш хусусияти тажрибада аниқланган ва унинг асосида модда атомининг эмиссия спектри бўйича металл қотишмаларнинг кимёвий таркибини аниқловчи спектроанализатор учун қайд қилувчи қурилма - фотодиод ишлаб чиқилган;

қоронғуликда ҳамда интеграл ва монохроматик лазер нурланишли ёруғлик билан ёритилганда $\text{In}-n^+-\text{CdS}-\text{CdS}_x\text{Te}_{1-x}-p-\text{Zn}_{0.35}\text{Cd}_{0.65}\text{Te}-\text{Mo}$ -гетеротузилмада кичик ток зичликларида рекомбинация жараёнлари оддий маҳаллий марказларининг қатнашиши билан, катта ток зичликларида эса бу жараёнларнинг инертлигини оширувчи, ичида электрон алмашинишлар рўй берувчи мураккаб комплекслар иштирок этиши билан рўй бериши аниқланган;

фотосезгир $\text{In}-n^+-\text{CdS}-n-\text{CdS}_x\text{Te}_{1-x}-p-\text{Zn}_{0.35}\text{Cd}_{0.65}\text{Te}-\text{Mo}$ -гетеротузилмада тўғри ток режимида $203 \div 373 \text{ K}$ ҳароратлар оралиғида биполяр дрейфли ток ўтиш механизмли узун диод шартлари амалга ошиши тажрибада кўрсатилган;

$\text{In}-n^+-\text{CdS}-n-\text{CdS}_x\text{Te}_{1-x}-p-\text{Zn}_{0.35}\text{Cd}_{0.65}\text{Te}-\text{Mo}$ -гетеротузилмада тўғри ток йўналишидаги кичик кучланишларда фотосезгирлик диапазонининг қисқа

тўлқинлар $0.49 \div 0.53$ мкм ва узун тўлқинлар $0.71 \div 0.85$ мкм соҳасида номуво- занат заряд ташувчиларнинг қарама-қарши диффузияли ва дрейфли оқим- ларининг компенсациясига асосланган фототок йўналишининг инверсияси аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагидан иборат:

Спектрнинг кўриш соҳасида ($\lambda=0.490 \div 0.735$ мкм) фотосезгирликка эга бўлган $\text{In-}n^+ \text{-CdS-}n \text{-CdS}_x \text{Te}_{1-x} \text{-}p \text{-Zn}_{0.35} \text{Cd}_{0.65} \text{Te}$ -Мо-гетеротузилмаси асосида модда атомининг эмиссия спектри бўйича металл қотишмаларнинг кимёвий таркибини аниқлайдиган спектроанализатор учун фотодиодлар яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда замонавий илмий тад- қиқот услубларидан, стандарт технологик қурилмалардан, намуналарнинг электрофизикавий параметрларини ўлчашда ўта аниқ ишловчи ўлчов асбоб- лари ва ускуналаридан фойдаланилганлиги, олинган экспериментал натижа- ларнинг назарий ҳисоблашлар ва мавжуд физикавий тушунчаларга мос кели- ши билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотларнинг илмий аҳамияти A^2B^6 бирикмаларнинг қаттиқ қориш- малари асосидаги гетеротузилмаларда кечадиган, жумладан ток ўтиш меха- низмлари ва фотосезгирлик спектрининг юзага келиш жараёнлари тўғриси- даги физикавий тасаввурларнинг кенгайтирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти $n\text{CdS-}p\text{Zn}_{0.35}\text{Cd}_{0.65}\text{Te}$ -гетероўтишини яратишда олинган натижалар электромагнит нурланиш спектрининг кўзга кўринувчан соҳасида сезувчан, ички кучайтириш хусусиятига эга инжекция- ли фотодиодларни яратишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Электромагнит нурла- ниш спектрининг кўзга кўринадиган соҳасида фотосезгирлик спектри бошқа- рилувчи $\text{CdS}_x \text{Te}_{1-x} \text{-Zn}_x \text{Cd}_{1-x} \text{Te}$ қаттиқ қоришмалар асосида яратилган гетеро- тузилмалардаги фотосезгирлик ва ток ўтиш механизмларини аниқлаш бўйича олинган натижалари асосида:

коронфуликда, ҳамда интеграл ва монохроматик лазер нурланиши таъси- рида яримўтказгичларда юз берадиган рекомбинация жараёнларини аниқлаш бўйича олинган натижалар Ф-2-37 рақамли «Яримўтказгичларда нуқсонлар ҳосил бўлишининг лазерли индукцияланган ночизиқли жараёнларининг хусусиятлари» фундаментал лойиҳасида лазер нури интенсивлигини назорат қилиш ва бошқаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 19 майдаги 89-03-1926-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш лазер нури таъсир этти- рилган яримўтказгичдаги нуқсонларни зарарсиз экспресс таҳлил қилиш им- конини берган;

ишлаб чиқилган металл қотишмаларнинг кимёвий таркибини эмиссия усули билан тезкор аниқловчи спектр таҳлиллагичи «Ўзбекистон темир йўл- лари» акциядорлик жамиятининг «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилувчи конструкцияларнинг таркибини аниқлаш

учун қўлланилган («Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг 2018 йил 28 майдаги НГ/2653-18-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш металл қотишмалардаги (Cu, Fe, Si, In, Mo, Ni, W, Te, Ag, Au, C, Al, Zn, Ti, Cr, Mn) кимёвий элементларнинг таркибини аниқлаш вақтини абсорбциялаш усулига нисбатан 10 марта қисқартириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг асосий натижалари 6 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида баён қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 4 таси хорижий халқаро журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси очиқ берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети ва усуллари тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгиллиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

«Инжекцион фотодиодларнинг ривожланиш тамойиллари» номли биринчи бобда махсус адабиётларда келтирилган тор ва кенг зонали яримўтказгич материаллар асосида яратилган турли инъекцияли фотодиодлар кўриб чиқилган. Инжекцияли фотодиодларнинг электр, фотоэлектрик ва спектрал характеристикалари каби асосий параметрлари таҳлил қилинган. Инжекцияли фотодиодлардаги инъекцияли кучайиш механизмлари ўрганилган. Мавжуд экспериментал ва назарий маълумотлар таҳлили асосида тадқиқотнинг вазифалари шакллантирилган.

«Тадқиқот усуллари ва n^+ -CdS- n -CdS_xTe_{1-x}- p -Zn_xCd_{1-x}Te ярим ўтказгичли гетеротузилмаларни олиш технологиялари» деб номланган иккинчи боб Zn_xCd_{1-x}Te қаттиқ қоришма юпқа қатламларини ва CdS қатламини олиш технологияларига бағишланган. Электрон сканерловчи микроскоп ёрдамида Zn_xCd_{1-x}Te юпқа қатлами сиртининг микротузилиши ўрганилган. Рентген тузилиш таҳлили усули билан олинган Zn_xCd_{1-x}Te юпқа қатлами юзасининг текстураси ва фаза таркиби, ҳамда энергия-дисперсияли рентген таҳлили (маркаси «EDX-energy dispersive X-ray analysis» (Oxford Instrument – Aztec Energy Advanced X-act SDD)) ёрдамида олинган Zn_xCd_{1-x}Te қаттиқ қо-

ришма юпка қатламининг юзаси бўйлаб ва n^+ -CdS– p - $Zn_xCd_{1-x}Te$ гетероўтишнинг чуқурлиги бўйлаб кимёвий элементларнинг тақсимланиш тадқиқотлари натижалари келтирилган.

Газотранспорт усули билан водород оқимида иккита буғланиш манбалари ZnTe ва CdTe дан ўстириладиган $Zn_xCd_{1-x}Te$ юпка қатламларнинг ўсиш тезлигига таъсир этувчи асосий омиллар, бу тағликнинг ҳарорати ва газ ташувчи (водород) оқимининг тезлиги эканлиги тажрибада аниқланган. Юпка қатлам ўсиш тезлигининг тағлик ҳароратига ва газ оқимининг тезлигига боғлиқлигидан $Zn_xCd_{1-x}Te$ қаттиқ қоришмалар юпка қатламларини ўстириш жараёнининг оптимал технологик режимлари топилган ва улар қуйидаги қийматларга эга: тағликнинг ҳарорати $700^{\circ}C$ ва газ оқимининг тезлиги 1.5 литр/соат. Оптимал технологик режимларда юпка қатлам 80-90 мкм/соат тезликда, кристаллитлари зич жойлашган ва донадорлик ўлчамлари 40-70 мкм бўлган юпка қатлам шаклланади (1, в-расм). Бу тағликнинг ҳар хил ҳароратларида олинган $Zn_xCd_{1-x}Te$ юпка қатлами сиртининг микроструктураларини электронли сканерловчи микроскоп (ESM- EVO MA 10 CARL ZEISS) ёрдамида олиб борилган тасвирлари 1-расмда келтирилган тадқиқот натижалари билан тасдиқланган. Оптимал технологик режимларда олинган $Zn_xCd_{1-x}Te$ юпка қатламининг хона ҳароратидаги солиштирма қаршилиги $\sim 10^4$ Ом·см ни ташкил қилади.





1-расм. Ҳар хил тағлик ҳароратларида синтез қилинган $Zn_xCd_{1-x}Te$ қатламлари сиртларининг микроструктуралари:
а) $640^{\circ}C$, б) $660^{\circ}C$, в) $700^{\circ}C$ ва г) $740^{\circ}C$

$700^{\circ}C$ тағлик ҳароратида ўстирилган $Zn_xCd_{1-x}Te$ юпка қатламининг текстураси ва фаза таркибининг рентген тузилиш тадқиқоти ДРОН-УМ-1 (CuK_{α} -нурланиш, $\lambda=0.15418$ нм, Ni – филтър, тезлик 2 град/дақиқа) дифрактометри-

да ўрганилди. $Zn_xCd_{1-x}Te$ юпка қатлам юзасининг рентген тузилиши тадқиқоти натижаларидан энг катта интенсивлик (~85-90%) $hkl-(111)$ кристаллографик текислик бўйича йўналишга эга бўлган $2\Theta=24.4$ градус қайтиш бурчагида кузатилиши аниқланди. Дифрактограммадаги интенсив чўққилар кубик сингонияга эга бўлиб, кичик бурчак қайтиши томонга силжиган $ZnTe$ юпка қатлами яримўтказгич фазасининг кристалл панжарасига мос келади. Экспериментал натижалар таҳлилидан $Zn_xCd_{1-x}Te$ юпка қатлами олинишида $ZnTe$ панжарасига $CdTe$ кириши ҳисобига панжара параметри катталашган, куб тузилишига эга бўлган яримўтказгичли кристалл фаза $ZnTe$ асосида қаттиқ қоришмасининг ҳосил бўлиши келиб чиқади. Чунки куб тузилишига эга $ZnTe$ юпка қатламининг панжара параметри $a_0=6.083 \text{ \AA}$, $Zn_xCd_{1-x}Te$ қаттиқ қоришма юпка қатламиники эса $a_0=6.33 \text{ \AA}$ га тенг бўлгани учун панжара параметри 0.248 \AA га катталашар экан.

Энерго дисперсияли рентген таҳлиллагичи EDX-energy dispersive X-ray analysis (Oxford Instrument – Aztec Energy Advanced X-act SDD) ёрдамида $Zn_xCd_{1-x}Te$ қаттиқ қоришма юпка қатлами таркибидаги Zn , Cd , Te атомларининг миқдорлари аниқланди ва ушбу тақсимот асосида « x » нинг қиймати 0.35 га тенглиги ($Zn_{0.35}Cd_{0.65}Te$) ҳисобланди.

$CdS-Zn_{0.35}Cd_{0.65}Te$ гетеро $p-n$ -ўтишини ҳосил қилиш учун солиштирма қаршилиги $\sim 10^4 \text{ Ом}\cdot\text{см}$ бўлган $Zn_{0.35}Cd_{0.65}Te$ қаттиқ қоришма юпка қатламининг юзасига CdS қатлами, 10^{-5} Торр вакуумда ва $250\div 300^\circ\text{C}$ таглик ҳароратида квази ёпик ҳажмли вакуумда чанглантириш методи билан олинди. Бунда CdS қатлами ва $Zn_{0.35}Cd_{0.65}Te$ қаттиқ қоришмаси орасида умумий қалинлиги $\sim 3 \text{ мкм}$ бўлган CdS_xTe_{1-x} ва $Zn_xCd_{1-x}Te_yS_{1-y}$ қаттиқ қоришма қатламининг ҳосил бўлиши аниқланди.



2-расм. $nCdS-pZn_{0.35}Cd_{0.65}Te$ -гетероўтишининг ён томонидан олинган катталаштирилган фотосурати ва Cd , Zn , Te , S атомларининг $CdS-CdS_xTe_{1-x}-Zn_xCd_{1-x}Te_yS_{1-y}-Zn_{0.35}Cd_{0.65}Te$ гетеротузилма чуқурлиги бўйича тақсимланиши

Оралик ўтиш қатламининг элемент таркибини аниқлаш учун, EDX-energy dispersive X-ray analysis (Oxford Instrument – Aztec Energy Advanced X-act SDD) энерго дисперсияли рентген таҳлиллагичи ёрдамида янги синдирилган $nCdS-pZn_{0.35}Cd_{0.65}Te$ гетероўтишининг ён томонидан энерго дисперсияли рентген тадқиқоти ўтказилди.

2-расмда гетеротузилманинг ён томонидан олинган тасвири ва Zn, Cd, Te, S атомларининг ён томони бўйлаб тақсимланиши кўрсатилган. Кимёвий таркиб таҳлили орасидаги масофа 1 мкм бўлган 7 нуқтада амалга оширилди.

Атомлар тақсимланишининг кесимидан, $n\text{CdS}-p\text{Zn}_{0.35}\text{Cd}_{0.65}\text{Te}$ гетеротузилманинг ажралиш чегарасида, қалинликлари мос ҳолда ~ 2 мкм ва ~ 1 мкм бўлган $\text{CdS}_x\text{Te}_{1-x}$ ва $\text{Zn}_x\text{Cd}_{1-x}\text{Te}_y\text{S}_{1-y}$ қаттиқ қоришмалари ҳосил бўлиши келиб чиқади. CdS қатлами ва $\text{Zn}_x\text{Cd}_{1-x}\text{Te}$ қаттиқ қоришмаси орасида $\text{CdS}_x\text{Te}_{1-x}$ қаттиқ қоришмасининг ҳосил бўлиши ҳисобига уларнинг кристалл панжаралари доимийлари орасидаги номувофиклик 8% дан 2.3% гача камаяди. Бу эса ажралиш чегарасида сирт ҳолатларининг зичликлари кичик бўлган гетеротузиш ҳосил қилиш учун етарли ҳисобланади. $n\text{CdS}-p\text{Zn}_{0.35}\text{Cd}_{0.65}\text{Te}$ -гетеротузиш чегарасида ҳосил бўлган $\text{CdS}_x\text{Te}_{1-x}$ қаттиқ қоришма кучли компенсацияланган катта қаршиликли қатлам бўлиб, ушбу гетеротузилмада база вазифасини бажаради.

CdS қатлами томонидан «Ш» шаклидаги ток олувчи контактлар 250°C ли таглик ҳароратида индийни $\sim 10^{-5}$ Торр вакуумда пуркаш йўли билан ҳосил қилинди.

$\text{In}-n^+-\text{CdS}-n-\text{CdS}_x\text{Te}_{1-x}-p-\text{Zn}_{0.35}\text{Cd}_{0.65}\text{Te}-\text{Mo}$ -тузилмани яримўтказгич-диэлектрик – яримўтказгич (ЯДЯ) тузилма каби қараш мумкин ва бунда n^+ -қатлам вазифасини кучли легирланган CdS қатлам, диэлектрик n -қатлам вазифасини кучли компенсацияланган катта қаршиликли $\text{CdS}_x\text{Te}_{1-x}$ қаттиқ қоришма, p – қатлам вазифасини эса $\text{Zn}_{0.35}\text{Cd}_{0.65}\text{Te}$ қаттиқ қоришма бажаради. Бундай тузилмани шартли равишда $n^+-n(i)-p$ кўринишда ёзиш мумкин.


« $\text{In}-n^+-\text{CdS}-n-\text{CdS}_x\text{Te}_{1-x}-p-\text{Zn}_{0.35}\text{Cd}_{0.65}\text{Te}-\text{Mo}$ гетеротузилмаси асосидаги инжекцияли фотодиоднинг электрофизикавий характеристикалари» деб номланган учинчи бобда $\text{In}-n^+-\text{CdS}-n-\text{CdS}_x\text{Te}_{1-x}-p-\text{Zn}_{0.35}\text{Cd}_{0.65}\text{Te}-\text{Mo}$ гетеротузилма асосида яратилган инжекцияли фотодиодларнинг вольтфарада ва вольтампер характеристикалари тадқиқ қилинган. Экспериментал характеристикалар таҳлилидан сирт ҳолатлар зичлиги, сирт потенциали ҳамда кучланишининг кенг оралиғида токнинг оқиш қонунияти каби асосий электрофизикавий параметрлар аниқланган.

3-расмда 15 кГц частотада экспериментал (1-эгри чизик) ва ҳисоблаб чиқилган (2-эгри чизик) вольтфарада $C(V)$ -характеристикалар келтирилган. Ҳисоблаш йўли билан олинган $C(V)$ -характеристикани тузишда экспериментал $C(V)$ -характеристика бўйича аниқланган диэлектрик қатламининг сифими $C_i=(1.350\pm 0,005)\cdot 10^{-9}$ Ф ва мувозанатлашган коваклар концентрациясининг $p_0\approx(2.50\pm 0,01)\cdot 10^{14}$ см⁻³ қийматларидан фойдаланилди. 3-расмдан кўринадикки, экспериментал $C(V)$ -характеристика (1-эгри чизик) ҳисоблаб топилганга (2-эгри чизик) нисбатан чап томонга силжиган. Ушбу натижалар қаттиқ қоришма $\text{Zn}_{0.35}\text{Cd}_{0.65}\text{Te}$ сининг қатлами p -тип ўтказувчанликка эга эканлигини ва бўлиниш чегарасида сирт ҳолатлари мавжудлигини кўрсатади.


4-расмда келтирилган сирт потенциалининг кучланишга боғлиқлигидан кўринадикки, термодинамик мувозанат ҳолатида (кучланиш мавжуд бўлма-

ганда) бўлиниш чегарасида рухсат этилган зоналар чеккаларининг эгилиши содир бўлади, бу ҳақда сирт потенциалининг $\psi_s \approx 0.18$ эВ га тенглиги далолат беради. Бу эса сирт ҳолатлари акцептор характерга эга эканлигини ва улар мувозанатдаги ковакларни тутиб олиб, рухсат этилган зоналар чеккаларининг пастга эгилишига олиб келади.


5-расмда сирт ҳолатлари зичлиги (D_{it}) нинг сирт потенциали (ψ_s) га боғлиқлиги келтирилган. Ушбу $D_{it}(\psi_s)$ -боғлиқликдан кўринадики, бўлиниш чегарасида $\psi_s=0$ бўлганда D_{it} нинг қиймати $(3,00 \pm 0,01) \cdot 10^{11}$ эВ⁻¹·см⁻² га тенг. $D_{it}(\psi_s)$ -боғлиқлик ярим ўтказгич тақиқланган зонасининг пастки ва юқори қисмларида турли қонуниятга бўсунади. Масалан, тақиқланган зонанинг пастки яримида D_{it} нинг қиймати тепа яримидагига қараганда кичик қийматга эга. Тақиқланган зонанинг тепа яримида унинг қиймати сирт потенциали ошиши билан $1.6 \cdot 10^{11}$ эВ⁻¹·см⁻² қийматдан $7.3 \cdot 10^{12}$ эВ⁻¹·см⁻² гача ошади.



3-расм. Экспериментал (1) ва ҳисобланган (2) $C(V)$ -характеристикалар



4-расм. Сирт потенциалининг берилган кучланишга боғлиқлиги




5-расм. Сирт ҳолатлари зичлигининг сирт потенциалига боғлиқлиги

Юқорида келтирилган услубда сирт ҳолатлари диэлектрик қатламининг реактив қаршилигини ҳисобга олмаган ҳолда аниқланган. 6-расмда кириш комплекс ўтказувчанлиги G_p актив ташкил этувчисининг 15 кГц частотадаги силжиш кучланишига боғлиқлиги келтирилган. $G_p/\omega(U)$ боғлиқлик $\omega=\tau^{-1}$ да максимум орқали ўтади, бу эса сирт тузоқларининг қайта зарядланиш вақти τ ни ва сирт ҳолатларининг сифими $C_s/2$ ни бевосита топишга имкон беради. Сирт ҳолатлари сифимини билган ҳолда сирт ҳолатларининг зичлигини ҳисоблаб топиш мумкин ва унинг қиймати -8.2 В кучланишда $2.25 \cdot 10^{10}$ эВ⁻¹·см⁻² га тенг бўлади (6-расм).


Диэлектрик қатламининг реактив қаршилигини ҳисобга олганда тадқиқ қилинаётган ЯДЯ-тузилмасининг сирт ҳолатлари зичлигининг сирт потенциалига боғлиқлиги бошқача кўринишга эга бўлади. Масалан, кириш комплекс ўтказувчанлигининг реактив ташкил этувчисидан ҳисоблаб топилган экспериментал сифимнинг (7-расм, 1-эгри чизик) назарий $C(V)$ -характеристикасига нисбатан (7-расм, 2-эгри чизик) силжиши бўйича аниқланган $D_{it}(\psi_s)$ -боғлиқлик 8-расмда келтирилган кўринишга эга бўлади. Ушбу боғлиқликдан кўриниб турибдики, сирт ҳолатларининг зичлиги тақиқланган зонанинг ўрта-сида, тўплаш, камбағаллашиш ва бойиш режимларида ($\psi_s = -0.2$ эВ гача) етар-

лича кичик қийматга эга бўлиб, $y \sim 3.5 \cdot 10^{10} \text{ эВ}^{-1} \cdot \text{см}^{-2}$ дан ошмайди. Ўтказувчанлик усули ёрдамида ҳам худди шундай сирт ҳолатлари зичлигининг қиймати олинган.


Ушбу экспериментал натижалар шуни кўрсатадики, катталиги бўйича диэлектрикнинг сифими ҳатто сирт ҳолатлари сифимидан ҳам кичик бўлади, шунинг учун ҳам C_i нинг реактив қаршилигини ҳисобга олмаса N_{ss} катталик етарлича юқори бўлади.



6-расм. 15 кГц частотада G_p/ω катталигининг силжиш кучланишига боғлиқлиги



7-расм. 15 кГц частотадаги экспериментал (1) ва назарий (2) $C(V)$ эгриликлари




8-расм. Сирт ҳолатлари зичлигининг сирт потенциалига боғлиқлиги

8-расмдаги келтирилган $N_{ss}(\psi_s)$ -боғлиқликнинг мураккаб ўзгариши сирт зарядлари тақсимотининг нотекислиги билан тушунтирилади. Юқорида келтирилган экспериментал натижалар шу ҳақида маълумот берадики, CdS қатлами ва $Zn_{0.35}Cd_{0.65}Te$ қаттиқ қоришмаси орасида ҳосил бўлган CdS_xTe_{1-x} қаттиқ қоришмаси кучли компенсацияланган ва улардаги маҳаллий зарядланган марказлар нотекис тақсимланган бўлиб, бу эса сирт ҳолатлар зичлигининг сирт потенциалига боғлиқлик тақсимотида ўз аксини топган (8-расм).

Бу бобда шунингдек ҳар хил ҳароратларда $In-n^+-CdS-n-CdS_xTe_{1-x}-p-Zn_{0.35}Cd_{0.65}Te-Mo$ -гетеротузилманинг кучланишнинг тўғри ва тескари йўналишлардаги вольтампер характеристика (ВАХ)ларининг тадқиқот натижалари келтирилган. ВАХ таҳлили $In-n^+-CdS-n-CdS_xTe_{1-x}-p-Zn_{0.35}Cd_{0.65}Te-Mo$ гетеротузилма тўғрилаш хусусиятига эга эканлигини кўрсатди. Хона ҳароратида кучланишнинг маълум бир қийматида (6 В) тўғри ва тескари тоқларнинг нисбати ($K=J_{forw}/J_{rev}$) кўринишидаги тўғрилаш коэффиценти K тўрт даражани ташкил қилади (9-расм). Бунда тадқиқ қилинаётган $p-i-n$ -тузилма ҳароратнинг $203 \div 373 \text{ К}$ оралиғида диод каби самарали ишлай олиши кўрсатилган. Масалан, кучланишнинг маълум бир қийматида ($V=6 \text{ В}$) токни тўғрилаш коэффиценти ($K=J_{forw}/J_{rev}$) $T=203 \text{ К}$ да $K=3.9 \cdot 10^3$ га эга бўлиб, энг катта қиймати $K=1.4 \cdot 10^4$ га $T=283 \text{ К}$ да ва энг кичик қиймати $K=300$ га эса $T=373 \text{ К}$ да эришади.

$In-n^+-CdS-n-CdS_xTe_{1-x}-p-Zn_{0.35}Cd_{0.65}Te-Mo$ -гетеротузилманинг хона ҳароратидаги ($T=293 \text{ К}$) вольтампер характеристикасининг тўғри тармоқлари бир қанча қисмлардан иборат бўлиб, уларда инжекциянинг юқори сатҳларида

токнинг ўтиши бикутбли дрейф механизми билан амалга ошади ва у кучланишнинг функцияси каби $J \sim V^\alpha$ боғлиқлик билан ифодаланади, бу ерда даража кўрсаткичи α ҳар хил қийматларни қабул қилиши мумкин. Бунда ток зичлигининг ўзгариши билан ВАХ қонуниятининг ўзгариши рекомбинация жараёнларининг ўзгариши билан боғлиқ бўлиши тажрибада аниқланган.



I – тўғри тармоқ, II – тескари тармоқ

9-расм. $\text{In-}n^+ \text{-CdS-}n \text{-CdS}_x\text{Te}_{1-x} \text{-}p \text{-Zn}_{0.35}\text{Cd}_{0.65}\text{Te-Mo}$ гетеротузилманинг қоронғуликдаги иккиланган логарифмик масштабдаги вольтампер характеристикаси ($T=293 \text{ K}$)

Кичик ток зичликларида номувозанатдаги ташувчиларнинг рекомбинацияси нуқтавий маҳаллий марказлар (нуқсонлар) орқали кечади, катта ток зичликларида эса рекомбинация жараёнлари учун мураккаб комплекслар маъсул бўлиб, уларнинг ичида электронларнинг алмашинуви содир бўлади. ВАХ қонунияти кетма-кетлик циклининг такрорланиши тадқиқ қилинаётган тузилма базасининг кўп қатламлиги билан боғлиқ ва улар нафақат солиштирма қаршилиги билан, балки қаттиқ қоришманинг таркиби билан, яъни тақиқланган зона кенлиги билан ҳам фарқланади.

203÷373 K оралиғида ҳароратнинг ўзгариши ВАХнинг соҳалар кетма-кетлигининг ўзгаришига, шунингдек соҳалар сонининг ўзгаришига ҳам олиб келиши аниқланган. Масалан, ҳар хил ҳароратларда ВАХнинг тўғри тармоқларида ток ва кучланишининг тадқиқ қилинаётган оралиғида қуйидаги кетма-кетликлар кузатилган: 1 – $J \sim V$, 2 – $J \sim V^{8.7}$, 3 – $J \sim V^5$ (203 K): 1 – $J \sim V$, 2 – $J \sim V^2$, 3 – $J \sim V^{4.3}$, 4 – $J \sim V^{1.2}$, 5 – $J \sim V^{3.2}$ (293 K), 373 K ҳароратда эса 1 – $J \sim V$, 2 – $J \sim V^{2.1}$, 3 – $J \sim V^{1.1}$, 4 – $J \sim V^{2.1}$. Токнинг ўтиш қонуниятининг ҳароратга боғлиқ ҳолда ўзгариши тузилманинг i -базаси кўп қатламлиги ва компенсация даражасининг ўзгариши билан, шунингдек рекомбинация жараёнларида мураккаб комплексларнинг ва оддий маҳаллий марказларнинг (нуқсонларнинг) иштирок этиш улушининг ўзгариши билан тушунтирилади. Бунда $n\text{-CdS}_x\text{Te}_{1-x}$ каттиқ қоришмасининг ҳар хил қатламларида комплексларнинг миқдори ҳар хил эканлиги кўрсатилган.

Ушбу бобда ВАХ тўғри тармоғидаги ток ўтиш механизмининг тадқиқот натижалари асосида юқори ҳароратларда ($T=373 \text{ K}$) ва катта ток зичликларида тузилма етарлича юқори ишлаш тезлигига ($\mu_p \tau_p \approx 2.5 \cdot 10^{10} \text{ см}^2/\text{В}$) эга эканли-

ги кўрсатилган. Бу эса ушбу гетеротузилмалар асосида экстремал шароитларда (юқори ҳароратларда) ишлай оладиган самарали инжекцияли фотодиодларни яратишга имкон беради.

Гетеротузилма ВАХнинг тескари тармоғи $T=293$ К ҳароратда токнинг кучланишга боғлиқлиги қуйидагича ифодаланади: $J \sim V^{0.6}$, $J \sim V$, $J \sim V^2$. ВАХнинг биринчи қисми ҳажмий заряд қатламининг кенгайиши билан боғлиқ. ВАХнинг иккинчи қисмида юза томонидаги n^+ -CdS буфер қатламдан инжекцияланган номувозанатлашган асосий бўлмаган заряд ташувчилар (коваклар)нинг концентрацияси ҳажмий заряд қатламининг янада кенгайишини компенсациялайди шунинг учун токнинг кучланишга чизиқли боғлиқлиги кузатилади. ВАХнинг учинчи қисмида ток ўтишининг дрейф механизми амалга ошади ҳамда омик релаксация ва ВАХ билан боғлиқ ток ўтиши Ламперт қонуни билан тавсифланади.


ВАХнинг тескари тармоғидаги ток ўтиш механизмининг ўзгариши, шунингдек гетеротузилма базасининг кўп қатламлилиги ва ҳарорат ошиши билан бир биридан ўтказувчанлиги ва рекомбинация марказларининг концентрацияси билан фарқланадиган кучли компенсацияланган катта қаршиликли каттик қоришманинг қатламларида ток ўтказиш жараёнида инжекцияланган ва мувозанатлашган заряд ташувчилар концентрациялари улушининг ўзгариши билан ҳам боғлиқ.

«In- n^+ -CdS- n -CdS_xTe_{1-x}- p -Zn_{0.35}Cd_{0.65}Te-Mo-гетеротузилма асосидаги инжекцияли фотодиоднинг фотоэлектрик характеристикалари» деб номланган тўртинчи боб In- n^+ -CdS- n -CdS_xTe_{1-x}- p -Zn_{0.35}Cd_{0.65}Te-Mo-гетеротузилма асосида яратилган инжекцияли фотодиодларни тадқиқ қилишга бағишланган. Фототокнинг спектрал боғлиқлиги кучланиш бўлмаганда, фотосезгирликнинг спектрал боғлиқлиги эса, кучланиш бўлмаганда ҳамда кучланишнинг тескари ва тўғри йўналишларида тадқиқ қилинган.

Кучланишнинг иккала йўналишларида гетеротузилманинг ВАХига интеграл ва монохроматик ёруғликнинг таъсири ўрганилди. Олинган тажриба натижалардан интеграл (S_{int}) ва спектрал (S_{λ}) фотосезгирлик катталиклари аниқланди. Ушбу характеристикаларнинг таҳлили интеграл (S_{int}) ва спектрал (S_{λ}) фотосезгирликларнинг ўзгариш оралиғини, инжекцион кучайиш даражасини ва фототокнинг инверсия нуқтасининг ҳосил бўлишини, шунингдек ушбу параметрларнинг силжиш кучланишига боғлиқ ўзгаришини ҳам баҳолашга имкон беради. Ушбу бобнинг охирида олинган натижалар асосида спектрнинг кўзга кўринувчан соҳасида маълум тўлқин узунлигига эга кичик ёруғлик сигналларини шовқинларсиз қайд қиладиган ички кучайтириш хусусиятига эга бўлган инжекцияли фотодиодларни яратиш имконияти ҳақида хулосалар қилинган. Ушбу фотодиодлар махсус техникада, металл қотишмаларнинг кимёвий таркибини аниқлай оладиган оптик спектроанализаторларни яратишда фойдаланилиши мумкин.

10-расмда гетеротузилмага кучланиш берилмаган ҳолда фототокнинг спектрал боғлиқлиги нисбий бирликларда келтирилган. 10-расмдан кўрина-

дики, гетеротузилманинг фотосезгирлик диапазони 490÷855 нм тўлқин узунликлар оралиғида жойлашган иккита соҳадан иборат. Биринчи соҳа 490÷730 нм тўлқин узунликлар оралиғида ётади. Ушбу оралиқда $\lambda \approx 670$ нм ва $\lambda \approx 692$ нм тўлқин узунликларида амплитудалари деярли бир хил бўлган иккита катта чўққилар мавжуд. Бундан ташқари $\lambda \approx 510$ нм, 610 нм ларда иккита эгиклик ва $\lambda \approx 634$ нм да эса текислик кузатилган. 730÷855 нм интервалида жойлашган иккинчи соҳада $\lambda \approx 795$ нм ва $\lambda \approx 848$ нм ли тўлқин узунликларида иккита кичик чўққилар кузатилган. Фототок спектрал тақсимотининг биринчи соҳасида кузатилган текислик ва эгикликлар $n\text{-CdS-p-Zn}_{0.35}\text{Cd}_{0.65}\text{Te}$ -гетероўтишнинг шаклланиш жараёнида ҳосил бўладиган қаттиқ қоришмалардаги нуқсонлар (киришмалар) нинг мавжудлиги билан боғлиқ.




10-расм. $\text{In-n}^+\text{-CdS-n-CdS}_x\text{Te}_{1-x}\text{-p-Zn}_{0.35}\text{Cd}_{0.65}\text{Te-Mo}$ гетеротузилманинг кучланиши бўлмагандаги, нисбий бирликлардаги фототокнинг спектрал боғлиқлиги

670 нм ва 692 нм тўлқин узунликларида жойлашган спектр чўққиларининг узун тўлқин чегараси бўйича, биринчи (~ 1.71 эВ) ва иккинчи (~ 1.63 эВ) чўққиларга мос бўлган фаоллашиш энергияларининг қийматлари топилди. Ушбу катталиқлар, эҳтимол, бир-бири билан контактда бўлган $\text{CdS}_x\text{Te}_{1-x}$ ва $\text{Zn}_x\text{Cd}_{1-x}\text{Te}_y\text{S}_{1-y}$ қаттиқ қоришмаларнинг тақиқланган зоналарининг кенглиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. Фототок спектрал тақсимотининг иккинчи соҳасида кузатилаётган чўққилар кадмий теллуридининг гексагонал (1.53 эВ, 795 нм) ва куб (1.44 эВ, 848 нм) кўриниши билан боғлиқ.

Гетеротузилмага 0.5 В дан 5 В гача оралиқда тесқари кучланиш берилганда унинг спектрал фотосезгирлиги (S_λ) 490÷855 нм тўлқин узунлик оралиғида ўсади (11, а – расм). Бироқ, S_λ нинг энг кўп ошиши спектрнинг қисқа ва узун тўлқинлар соҳасида кузатилади. Масалан, тузилмага -5 В кучланиш берилганда, кучланиш берилмагандагига нисбатан, S_λ нинг қиймати $\lambda=490$ нм тўлқин узунликда 38 марта, спектрнинг узун тўлқин соҳасида $\lambda=725$ нм тўлқин узунликда 10 марта, 540÷700 нм тўлқин узунликлар оралиғида эса фақатгина 2.5÷3 мартага ошади.

Юқорида келтирилган тажриба натижаларидан гетеротузилмада бирламчи фототокнинг ички кучайиши юз берганлиги келиб чиқади.

Тўғри йўналишда $0.05 \div 0.4$ В кучланиш берилганда $S_{\lambda}(\lambda)$ боғлиқлик спектрал сезгирликнинг барча оралиқларида камаяди (11, б – расм). Маълумки, кучланиш ортиши билан ток катталигининг камайиши ҳодисаси, $p-i-n$ -тузилмада қарама-қарши йўналишли ток оқимлари вужудга келгандагина содир бўлади. Қарама-қарши йўналишлардаги тоқларнинг оқими фақат инжекцияловчи контактларнинг биттасида номувозанатдаги асосий бўлмаган заряд ташувчиларнинг йиғилишидан, яъни тўпланиш (аккумуляция) ҳодисаси юз беришидан амалга ошади. Ушбу ҳолатда номувозанатдаги заряд ташувчиларнинг диффузион ва дрейф оқимлари бир-бирига қарама-қарши йўналган бўлади ва бу эса гетеротузилмада токнинг камайишига олиб келади. Фототок белгисининг инверсияси ҳосил бўлиши ва фотосезгирлик чегараси спектрнинг узун тўлқинлар соҳаси томон силжиши, тўғри кучланишнинг ошиши билан диффузия тоқининг ошиши ҳисобига бўлади.



а) 1 – идеал фото қабуллагичнинг фотосезгирлиги, 2 – силжиш кучланиши бўлмагандаги спектрал фотосезгирлик, 3 – 0.5 В, 4 – 1 В, 5 – 3 В, 6 – 5 В


б) 1 – идеал фото қабуллагичнинг фотосезгирлиги, 2 – силжиш кучланиши бўлмагандаги спектрал фотосезгирлик, 3 – 0.05 В, 4 – 0.1 В, 5 – 0.2 В, 6 – 0.3 В, 7 – 0.4 В

11-расм. $In-n^+-CdS-n-CdS_xTe_{1-x}-p-Zn_{0.35}Cd_{0.65}Te-Mo$ -гетеротузилма фотосезгирлигининг (S_{λ}) тескари (а) ва тўғри (б) кучланиш берилгандаги спектрал боғлиқлиги

12-расмда гетеротузилманинг турли ёритилганлик даражаларидаги оқ ёруғлик (а) ва турли қувватлардаги лазер нурлари (б) билан ёритилгандаги экспериментал ВАХнинг тўғри тармоқлари келтирилган. 12, а-расмдан кўринадик, интеграл ёруғликнинг ёритилганлик даражаси 0.044 лк дан 264.7 лк гача ошганда, фототок белгисининг инверсияси юз берадиган силжитиш кучланишнинг катталиги 0.12 В дан ва 0.49 В гача силжиши кузатилган. Ёритилганлик ВАХнинг ушбу қисмида токнинг кучланишга субчизиқли боғлиқлиги кузатилади, бунда ушбу боғлиқликнинг узунлиги ёритилганлик даражаси ошгани сари ортиб боради. Бундай ҳодиса $p-i-n$ ($p-n(i)-n^+$)-тузилмада ўтишлардан биттаси идеал, иккинчиси эса ноидеал бўлганда ва базанинг (i -қатлам) қалинлиги узун бўлганида кузатилади. Юқорида келтирилган хусусиятларга эга бўлган $p-n(i)-n^+$ -тузилма, фототок белгисининг инверсиясига олиб келувчи ВАХ субчизиқли қисмининг ҳосил бўлишига маъсул бўлган, номувозанат-

даги ток ташувчиларнинг қарама-қарши йўналган диффузия ва дрейф оқимларини таъминлай олади.

12 (б)–расмдан кўринадики, лазер нурланишининг қуввати ошиши билан фототок инверсия нуқтаси кучланишнинг катта қийматлар томонига силжийди. Масалан, лазер нурланишининг қуввати $1.6 \cdot 10^{-7}$ Вт/см² дан $13.6 \cdot 10^{-3}$ Вт/см² гача ошганда фототокнинг белгисининг инверсияси содир бўладиган кучланишнинг қиймати 0.18 В дан 0.42 В силжийди. Гетеротузилманинг оқ ёруғликнинг турли ёритилганлик даражалари ва лазер нурланишининг турли қувватлари учун ВАХнинг субчизиқли қисмидан ҳисоблаб топилган баъзи бир параметрлари 1-жадвалда келтирилган.



